

ТЎЛЕПБЕРГЕН ҚАИПБЕРГЕНОВНИНГ “САҲРО БУЛБУЛИ” ДРАМАТИК АСАРИДА КЎТАРИЛГАН МУАММОЛАР

Сайёра Шукуровна Холмирзаева

Тошкент давлат аграр университети доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Тўлепберген Қаипбергеновнинг шоир Бердақ ҳақида ёзилган “Сахро булбули” драматик асари таҳлил қилинган. Асарда қорақалпоқ ҳаётининг яшаш тарзи, муаммолари, маданияти ва анъаналари ёритилган. Бердақ шоир ижодида халқпарварлик мотивларининг кўйланиши тарихий мисоллар орқали кўрсатилади. “Сахро булбули” драматик асари Тўлепберген Қаипбергенов ижодида муҳим ўрин тутган асарларидан саналади.

Калит сўзлар: драма, қорақалпоқ, маданият, шоир, санъат, мақол, туркий халқлар, муаммо, Орол денгизи, халқ, уруғ, жанг, ҳунар дутор, кўшиқ, шеър, замон.

ABSTRACT

The article focuses on and analyzes the dramatic work of Tulepbergen Kaipbergenov “The Nightingale of Desert” about the poet Berdakh. In fact, this work highlights the lifestyle, problems, culture and traditions of the Karakalpak life. In Berdakh’s work, the glorification of nationalistic motives and incentives is illustrated by historical instances. The dramatic work “Nightingale of Desert” is one of the most significant works of Tulepbergen Kaipbergenov.

Keywords: drama, Karakalpak, culture, poet, art, proverb, Turkic peoples, problem, the Aral Sea, people, seed, battle, dutar craft, song, poem, time.

КИРИШ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов айтганидек, “Тўлепберген Қаипбергенов узоқ тарихга эга бўлган қадимий қорақалпоқ халқининг кенг пешонасидаги тонг юлдузи каби ярашиб турган ёзувчидир”. Қорақалпоқ адабиётида тарихий роман жанрига асос солган Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергеновнинг тарихий мавзуда ёзилган драматик асарлари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Адибнинг “Сахро булбули” драмаси қорақалпоқ

халқининг фахри, XVIII асрнинг йирик вакили, бутун туркий халқларнинг севимли шоири Бердимурод Қарғабой ўғли – Бердақ ҳақида адабиётимизда яратилган ягона йирик бадиий асардир. Санъатнинг бошқа турлари каби драма жанри ҳам инсоннинг маънавий оламига, руҳий дунёсига чуқур таъсир қилади, маълум бир давр ичидаги халқнинг ҳаётини умумлашган ҳолда жонли, ишонарли тасвирлайди, маълум бир ижтимоий ғояни илгари суради. “Сахро булбули” драмасининг бош қаҳрамони Бердақнинг инсоний қисмати, дарди-дунёси, ўйлари, орзу-интилишлари нафақат қорақалпоқ, балки ўзбек, қозок, қирғиз ва бошқа туркий халқлар қалбларига йўл топган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Асар Бердақ шоирнинг олти ойлик саёҳатдан келиши билан бошланади. Овулдошларига Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилганини, сўнг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби юртларни кезиб, у ерларда ҳам табаррук жойларни зиёрат қилгани, халқнинг ҳаёти, яшаш тарзи билан танишганини айтиб, шундай дейди: “Аслида-ку, барча туркий халқлар бир опа – бир онанинг фарзандлари. Барчаси бизлар сингари меҳмондўст, Тароз шаҳридан Тошкент шаҳрига етиб боргунча йўл-йўлакай мен кўниб ўтган уйларнинг анча-мунчасида абдира-сандиқ устига кўрпа-тўшак йиғиб қўйилиши худди бизларникидай. Узун ёстикларнинг кўроқ билан жуфт кўзли, уч кўзли қилиб қоплаб қўйилиши ҳам худди бизларникидай”.

Бир неча кун ўтгач, Бердақ шоир бозорни айланар экан, манзарани завқланиб томоша қилади ва турли юртлардан савдогарлар кела бошлаганидан қувонади. Бозорнинг бир чеккасидаги соябон остида бир гуруҳ қизлар ва йигитларнинг қовун еб ўтиришганларини кўриб, ҳаётидаги унутилмас лаҳзаларни эслайди: “Мен ҳам мана шулардай қовун чакмоқлаб юриб, ўзимга умр йўлдош топган эдим. Қизлар билан танишишда барча туркий халқлардан бизнинг бир ўзгачалигимиз ҳам мана шу!”.

Драматик асарларнинг ўзига хос хусусиятлари бу – сюжетлилик, ижтимоий муамоларни акс эттирувчи зиддиятлар қаҳрамонларнинг хатти-харакатларида, аввало, диалог ва монологларда ифодаланишидир. Саҳна асарларида акс эттирилаётган даврнинг муаммолари ва ҳаётини тўқнашувлар ички руҳий кечинмалар асосида кўрсатилади. Бундай ҳолатлар биз “Сахро булбули” драматик асарида ҳам кузатамиз.

Амударёнинг Орол денгизига хайқириб қуйилаётган жойида Бердақ шоир икки одамнинг суҳбатини эшитиб қолади. Булар “бутун қорақалпоқ халқининг иккига бўлиб турган икки йўлбошчи” Эрназар кенегеснинг ва Эрназар олакўз эдилар. Эрназар кенегеснинг фикрича, мустақил қорақалпоқ хонлигича эга бўлиш учун Хива хонига қарши уруш қилиб, қон тўкишнинг кераги йўқ. Халқ бирлашса, урушмай туриб ҳам мақсадга эришиш мумкин. Эрназар олакўзнинг нияти ҳам яхши: халққа эркинлик бериш, халқининг номи билан аталадиган кичикроқ бир давлат тузиш, унинг маданиятини ривожлантириш, қадимий тарихини қадрлаш, ўрганиш. Лекин мақсадга эришиш йўлида улар келиша олмайдилар, бирлашмайдилар. Асар қаҳрамонларидан бири 2-Балиқчининг айтганидек, “...қорақалпоқда нима кўп – уруғ кўп. Ҳар уруғнинг ўзи ҳам ичидан бўлиниб, бир-бири билан ёвлашаверади”. Шоир ўзига ўзи шундай дейди. “Икки Эрназарнинг икки тарафга тортқилаши давом этаверса, уруғлар халқ бўлиб бирлашмайди...”.

Рус шоири Тарас Шевченкони Манғишлоқда яшаётгани, эшкаксиз юрадиган кемада юрганини 1-Барикчи Бердақ шоирга айтади. Бердақ шоир у билан учрашишини ният қилади, лекин кейинги кутилмаган воқеалар бунга имконият бермайди.

Эрназар олакўз Бердақ шоирга Хивадан, Бухородан, усталар келтириб, шаҳар қурдира бошлаганини айтади. Сўнгра қурилаётган янги шаҳарни бирга айланиб, томоша қиладилар. Лекин бу қувонч кўпга чўзилмайди. Бўлаётган ишлардан хабар топган Хива хони, қуролланган навкарларини қурилаётган шаҳарга юборади. Қаттиқ жанг бошланади, усталару, аҳолининг кўп қисми ўлдирилади, кўп қон тўкилади. Хон жарчилари Эрназар олакўзни ўлдирганга хоннинг минг танга ҳадяси борлигини, унинг навкарларини ўлдирган ёки яралаганга юз тилла ҳадя олишини айтиб, жар соладилар. Энди, қорақалпоқликлар ўзаро жанг қила бошлайдилар, Эрназар олакўзни ўзининг ёнида юрган, “менинг ҳимоячим” деб ишониб юрган оғайнисини ўлдиради.

Шоирлар Бердақ ва Ажиниёз қорақалпоқликлар бир-бирлари билан жанг қилаётганидан, ўз элини бахтсизлигидан, қон тўкилаётганидан қуёнадилар.

Йиллар ўтиб, 34 ёшида “Бўзатов” кўзғолони пайтида елкасига урилган етти дарра кўзларига зарар етказгани сабабли Ажиниёз оға эрта кўздан қолади ва руҳий изтироблар ичида 54 ёшида оламдан ўтади.

Амударёнинг жанубидаги қорақалпоқлар Хива хонлиги қарамоғида қолдирилади, шимолдаги қорақалпоқлар рус подшолиги ихтиёрига берилади.

Бу эса, Бердақ шоир айтганидек, “Бир онадан туғилган оға-инилар атайин иккига ажратилади. Қорақалпоқ иккига бўлинишидан кейин халқ тақдири олдингидан беш баттар оғирлашади”. Бердақ шоир ижодидаги меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаёти, Хива хонлари ва амалдорлари зулмига қарши халқ норозилиги ифодаланган шеърлари омма орасида кенг тарқалган эди. Бердақни халқ ҳаётини, унинг эзгу орзу-истакларини яхши билган, халқпарвар шоир десак янглишмаймиз. Ойтекабой Бердақни тўйига таклиф этиб, ундан кўшиқ айтишини сўраганда, у дуторини олиб, “Замонда” деган шеърини куйга солиб айта бошлайди:

Золимлар эзмоқда халқларни чексиз,
Юзида қони йўқ, нуқул иймонсиз
Баъзилар ўтирар термулиб нонсиз,
Душманларнинг жабри ўтган замонда.
Бойлар – йўлбарс, тулки, халқ – қуён экан,
Қоронғу қоплаган қайғули замонда
Йилдан йилга замон тескари айланди,
Йўл тополмай ақллилар ўйланди.

Бундай мавзудаги кўшиқдан ғазабланган Ойтекабой, шоирнинг дуторини олиб кўяди. Бердақ шоир эса тўйдан тушган пулларни охиригача девоналарга, етимларга тарқатади.

Бердақ шоир рус подшосининг Тўртиқўлдаги ҳокими Иванов билан учрашиб қайтгач, у билан суҳбат қургани ҳовлисига овулдошлар-оқсоқоллар, хотин-қизлар, ёшлар тўпланадилар. Шунда Бердақ: “Ҳалойиқ, озгина дам олиб, маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида қизим Ҳурлиманга навбат берсам, - деганда, ҳамма, “соз билан бўлсин”, дейди. Бердақ ўзининг мусиқа асбоби – дуторини олиб қизига узатади. Ҳурлиман отасининг ўтинчи билан Хоразмга ҳунар кўриш учун бориб келганини айтади. “У ёқларда биздагидан бошқачароқ экан, Бахшининг созига ёшлар жўр бўлиб ўйнар экан. Овулга келиб анча ёшларга шу ҳунарни ўргатдим ҳам”, - дейди Ҳурлиман ва соз чалиб, отаси Бердақнинг “Паноҳ бер” кўшиғини айтади. Ёшлар ўйнай бошлайдилар...

ХУЛОСА

Тўлепберген Қаипбергеновнинг “Саҳро булбули” драматик асарида кўплаб ривоят ва афсоналар, ибора ва мақоллар ҳам келтирилганки, бу асарнинг моҳиятини очишга, бадийлигини оширишга ёрдам берган. Асар

XVIII асрда яшаб, ижод этган буюк қорақалпоқ шоири Бердақ ҳақида бўлсада, ўша даврдаги қорақалпоқ халқининг ҳаёти, анъаналари, тарихий тўқнашувлар, воқеалар, вазиятлар, муаммолар ҳақида кенг маълумот бериши билан ҳам ўта кадрлидир.

REFERENCES

1. “Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тузувчи Ҳ.Болтаев. Тошкент, 2016.
2. Қаипбергенов Т. “Бахтсизлар” Қорақалпоқ достони. Иккинчи жилд, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент, 1999.
3. Қаипбергенов Т. “Танланган асарлар”, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент, 2019.
4. Қаипбергенов Т. “Қэлбимнин қамусы”, “Билим” баспасы. Ноқис, 2008.
5. Холмирзаев Ш. “Қорақалпоқ халқининг талантли адиби”, “Шарқ юлдузи” журнали, №8, 1979.
6. Холмирзаева С. “Қорақалпоқ сўнмас юлдузи”. “Адабиёти зиёси” газетаси, 16 июль, 19 сон, 2020.